
Китобхонлик танлови ғолибларига вилоят ҳокими совғалари топширилди

Китобхонлик танлови ғолибларига вилоят ҳокими совғалари топширилди

Вилоят миқёсида “Она тили – миллат ғурури” мавзўсида онлайн тарзда иншолар танлови, “Китобхонлик ойлиги”ни ўтказиш тўғрисида Фарғона вилоят ҳокимининг 2020 йил 08 апрелдаги 119 Ф-сонли фармойиши қабул қилинган. Шу асосда туман ҳокимининг 13 апрелдаги 61 Ф-сонли фармойиши тасдиқланиб, мазкур фармойиш доирасида Сух тумани умумий ўрта таълим мактаб 9, 10-11 синф ўқувчилари ўртасида "Китобхон ўқувчи" ва "Мумтоз ғазаллар билимдони", ҳамда уларнинг ота-оналари учун "Китобхон ота" ва "Китобхон она" кўрик-танловлари туман ХТБ, Ёшлар иттифоқи, туман АКМ ҳамкорлигида ташкил этилди ва юқори савияда ўтказилди.

Ўтказилган танловда тумандаги умумтаълим ўрта мактаб ўқувчиларининг 5 нафари вилоят босқичида фаол қатнашиб, 1, 3 ўринларни эгалладилар. 11 нафар ғолиб бўлган ва фаол иштирокчиларга туман ҳокимининг "Фахрий ёрлиқ"лари ва эсталик совғалари топширилиб, иштирокчиларнинг 5 нафар устозларига китоб жамланмаси тақдим этилди.

Кеча барча ғолиб ўқувчиларимизга Фарғона вилоят ҳокими Ш. М. Ғаниев томонидан юборилган совғалар туман ҳокими, халқ таълими бўлими вакиллари ва секторлар аъзолари иштирокида тантанали тарзда топширилди. Танловларда фаол иштирок этган ўқувчиларимизга китоблар жамланмаси тақдим этилди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тилини қонуни талабларига риоя этишни таъминлаш масалалари бўйича Сух тумани ҳокимининг маслаҳатчиси А. Тўрабоевнинг бизга берган маълумотига кўра, вилоят ҳокимининг эсдалик совғалари Самандар Эркинжонов, Манижа Аъзамжонова, Хисравжон Шамсиддинов, Рухшанбек Асрориддинов, Шоҳдил Жўрабоевларга топширилди.

Танловларда фаол иштирок этган, шунингдек, ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларимизни табриклаймиз. Келгусида фаол ўқувчиларимиз янги марраларни забт этишларига ишонамиз.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-06-15 19:59:59